

THE SPIRITUAL HERITAGE OF ALLOMANS IN IMPROVING HUMAN SPIRITUALITY

Sadikova Roza Ismailovna

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Resume: The article analyzes the views on man and the universe, the process of man's self-awareness.

Key words: man, human essence, appearance, interaction between man and the universe, the dialectic of communication, the fact that the human heart is a "world of freedom", self-awareness, the stages of becoming a perfect person.

ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА АЛЛОМАЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Садикова Роза Исмаиловна

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: Мазкур мақолада инсон ва олам, инсоннинг ўзини ўзи англаш жараёни ҳақидаги фикр-мулоҳазалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Инсон, инсон моҳияти, кўринишлари, инсон ва оламнинг ўзаро боғлиқлик диалектикаси, инсон қалби “хуррият олами” эканлиги, ўз-ўзини англаши, комил инсоннинг шаклланиш босқичлари.

Аннотация: В статье анализируются взгляды на человека и мироздание, процесс самосознания человека.

Ключевые слова: человек, человеческая сущность, внешность, взаимодействие человека и вселенной.

диалектика связи, то, что человеческое сердце - это «мир свободы», самосознание, этапы становления совершенного человека.

Шарқ фалсафаси ривожланиши натижасида бир қатор сўфий шоирлар ва файласуфлар етишиб чиқди. Уларнинг дурдона асарлари ҳамда бой илмий мероси ўз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам башариятнинг интеллектуал мулки сифатида қадрланиб келинади. Мамлакатимизда ҳам буюк аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиш, алломалар шахси ва ижодига эҳтиром кўрсатиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Маълумки, бизнинг минтақамиз, авваламбор, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешиқларидан бири ҳисобланади. Мухтарам уламолар, имом-хатиблар, жамоатчилик вакиллари билан бирга динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттиришимиз керак”. [1]

Дарҳақиқат, буюк алломаларимиз илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни бой маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда асосий омил ҳисобланади. 2017 йилнинг 24 майида ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Бу ҳам буюк алломаларимиз ижоди ва илмий меросини

1Ш. Мирзиёевнинг чуқурроқ ўрганишимиз, теран англашимиз, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишимиз учун муҳим асос ҳисобланади. Маълумки, мустақилликнинг дастлабки

йиллариданок мамлакатимизда бир қатор соҳалар ривожда туб ўзгаришлар юз берди. Барча соҳаларда бўлгани каби халқимиз маънавий ҳаётида ҳам юксалиш, аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш сезиларли даражада ўзгарди. Шуни баралла айтиш мумкинки, маънавият соҳасига тегишли бўлган фанларнинг методологияси Шарқ заминида, мусулмон оламида яратилган. Шарқ алломаларининг рационалистик қарашларида ақлий ва нақлий билимлар уйғунлиги яққол кўзга ташланади. Бундай маънавий фанлар методологиясининг сарчашмаси эса муқаддас Қуръони Карим ҳамда муבורак ҳадиси шарифларга бориб тақалиши шубҳасиз.

Барчамизга аёнки, Шайх Саъдий, Ибн Арабий, Низомий Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий каби буюк истеъдодли шахсларнинг номлари жаҳон маданий хазинаси тарихида алоҳида эътироф этилади. Шарқнинг буюк сўз усталари ҳисобланмиш Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Мирзо Бедиллар Мавлоно Жалолиддин Румийни ўзларига устоз деб билишган. Негаки, Румийнинг фалсафасида илгари сурилган сўфиёна мушоҳадалар ўз даврида ҳам, ўзидан кейинги ва бугунги кунда ҳам инсониятнинг ижтимоий-маънавий тараққиётига сезиларли таъсир ўтказиб келмоқда. Ғаззолий, Санойи, Аттот ва Румий – уларнинг номларини фақатгина келиб чиқиши умумлаштирамайди (уларнинг туғилган ва яшаган макони Шарқий Эроннинг Хуросон ўлкаси билан боғлиқ, тарихий ҳудуди бугунги кунда замонавий Эрон, шунингдек, Афғонистон чегаралари ва Ўрта

Осиё давлатлари), балки улар ўзларининг сўфиёна ғоялари билан тасаввуфнинг Шарқ анъаналарига тегишли таълимотларини машъалдек тартиб билан авлодлардан-авлодларга узатдилар. Улар орасида Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ижоди ҳамда фалсафий ғоялари шу даражада юксакки, мутасаввиф ижоди билан яқиндан танишган ҳар қандай киши инсон

ва ҳаёт фалсафаси ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлади. Унинг бой илмий мероси ҳамда ижоди барча замонларда ва барча кишиларда бирдек қизиқиш, ҳайрат уйғотади. Мамлакатимизда аждодларимиздан биз авлодларга мерос бўлиб келадиган илмий-назарий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ўрганишни талаб қиладиган ва уларни келажак авлодларга тарғиб этадиган, бадий қиммати буюк асарлари талайгина. Шундай асарларга Жалолиддин Румийнинг (1207-1273) “Маснавийи-маънавий” асарини, ҳеч шубҳасиз, улар қаторига киритса бўлади. Чунки асар башарият учун улкан маънавий озуқадир. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганларидек, “...юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш... жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутати”.[2]

Бундай асарларни китобхонлар қанча ўқиган сари ўзларига шунча зарур бўлган, янги маълумотларни қайта ва қайта кашф қилишади. Чунки бу асар инсоннинг борлиги унинг камолоти ва оламнинг инсон билан ўзаро узвий алоқаси ҳақидадир. Мавлонода инсоннинг қалби энг юқори чўққида туради. Айниқса “Маснавий”да қалб- кўнгил мавзусини алоҳида рамзлар орқали ифода этади. Унинг биринчи жилдида шундай сўзлар бор. “Маснавий” ҳақиқатга етишмоқ ва Аллоҳнинг сирларидан огоҳ бўлишни, уларни англашни истаганлар учун бир йўлдир. “Маснавий” дин аслларининг аслларидандир...”

Румий оламини англаш, қалбдан бошланади. Борлиқдаги барча мавжудот бир-бирини кўнгли орқали англайди. Фақат инсонгина табиат ва борликни қалб кўзи билан идрок этади.

Ғайри нутқу ғайри иймоу сижил,

Сад ҳазорон таржимон хизд з-дил.

Сўзламай сўз, ғайри иймонун сижил,

Таржима этмоққа қодирдир кўнгил.

Мавлоно инсонни билиш тўғрисида қўйидагиларни сўзлайди. Инсонни таниш денгиздаги сувни кўзага қуйиб денгизни бўшатмоққа уринган каби

мушкул ишдир. Ҳар бир инсон худди ёмғир томчиси каbidир. Кимдир лойга тушар, кимдир гул. Бу борада Асқар Маҳкам шарҳларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Мавлононинг ушбу жумлалардан кўзлаган мақсади най талқинидаги комил инсон қиёфасидир. Байтнинг мазмуни: “Тинглагин мен сенга бир ҳикоятни айтайки, у айрилиқлар ва шикоятдан сўзлагай.” Биринчи навбатда инсон дунёни

икки кўзи орқали кўради ва англайди. Аммо у фақат моддиётларинигина кўради холос, лекин дунё ташвишларидан бекаму – кўст фақат ориф инсонгина ҳақиқий дунё билан сирлаша олади. Мавлоно инсон борлигининг буюклиги тўғрисида шундай ёзади: Бир заррада бир қуёш яширинган. У зарра ногоҳ тилга киради. Натижада осмон ва ер пистирмадан сакраб чиққан қуёш наздида бўлакчаларга бўлиниб кетади. Демак, суратда олами асгар ўзингсан. Демак, маънода олами акбар ўзингсан. Бу ерда Румий

инсоннинг табиий ва зотий моҳияти, яъни нурга ишора қиляпти. У икки нур, ҳиссий ва тақдир нурини назарда тутяпти. Тақдир нури ҳиссий нурга яширинган. Шунинг учун ҳам Румий инсоннинг ичини кичик оламга қиёс этиб, унинг қалбини “хуррият олами” эканлигини такрор ва такрор уқтиради. Қуръони Каримда “Мен бандаларимни кўргувчи ва эшитгувчиман” деган ояти мавжуд. Лекин инсоният ичида “самъ” (эшитишдан) маҳрум бўлганлари ҳам борки уларга манашу най оҳанглари орқали у дунё ва бу дунё лаззатларини кўриб англашга ёрдам беради. Бу ерда қандай бўлишидан қатий назар инсон бир шакл, унинг ўзгарувчан қиёфаси эса мазмундир. Чунки унинг қай томонга ва қай жиҳатга қараб ўзгариши ҳали маълум эмас. Шундай экан Мавлоно ориф инсон қиёфасини най мисолида қўйидагича шарҳлайди.

Румий Аллоҳ ҳар бир инсонда ички бошқарув руҳият борлигига ишонмас экан, у инсон бўлмай “бадандан иборат оғир бир жисмдир”, деб таъкидлайди. Мавлоно шу ерда инсон шакли ҳар хил унда “Аллоҳни танишдаги Раббоний илм боқий ва ўзгармасдир,” деб уқтиради. Кунларнинг бирида, Мавлоно Жалолиддин Румий шогирдлари билан йўлга чиқди ва улар Мавлонога саволлар билан мурожаат қила бошлади. Шунда бирдан Шамсиддин Табризий пайдо бўлди ва: “Илмлардан мақсад недир?” дея савол берди. “Шариат одобларидан хабардор бўлиш”,-дея жавоб берди Мавлоно. “Йўқ! Маълумга етишмоқ”,-деди ишонч билан Шамс, ва Ҳаким Санойининг “Илм сени ўзингдан жудо қилмаса, жоғиллик ундан кўра яхшироқ”, деган байтини ўқиди. Бу жавобдан ҳайратга тушган Мавлоно ўша кундан эътиборан Табризийнинг ихлосманд шогирдига айланди. Улар биргаликда Салоҳиддин Зарқўб Даққокнинг хужрасида қирқ кун (баъзи маълумотларга қараганда олти ой) ёлғиз қолишди. Бу ҳақда Румий ўзининг байтларида “Шамс менга ҳақиқат йўлини кўрсатди ва мен ундан иймоним, илми яқийним учун қарздорман”, деб айтади. Аслида инсоният цивилизациясининг маъно – мазмуни ҳам комиллик, шахсни баркамол тарбиялаш орқали жамиятни бахтли, саодатли қилишдан иборатдир. Комил инсон ғояси қадимдан халқимизнинг эзгу орзуси бўлиб келган. “Авесто”да эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал комилликнинг уч белгиси сифатида ажратиб кўрсатилганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Айниқса, комил инсон ғояси ислом фалсафасидан озиқланиб, тўлақонли маъно касб этган. Ибн Сино, Беруний, Форобий, А. Навоий асарларида, Имом Бухорий ҳадислари-ю, Б.Нақшбанднинг “Дил ба ёру, даст ба кор” тамойилида комил инсон ғояси такомилга эришди. Халқимиз, мутафаккир аждодларимиз ижодида кўплаб комиллик тимсоллари яратилди. Широқ, Алпомиш, Фарҳод сингари мардлик ва жасурликнинг бадий тимсоллари, соҳибқирон А. Темур ва А. Навоий сингари халқпарварлик, ватанпарварлик тимсоллари шулар жумласидандир.

Бугунги кунда жамиятимиз тараққиётида баркамол инсон тарбияси устувор аҳамиятга эга. Ёш авлодни маънавий ва жисмоний жиҳатдан бақувват қилиб тарбиялашга қаратилган қонуний ҳужжатлар, Кадрлар Тайёрлаш Миллий дастури асосида олиб борилаётган хайрли ишлар шу улуғ мақсадни амалга оширишга йўналтирилган. Бугунги кунда турли миллатлар ўртасида ҳамжиҳатлик барқарор ривожланиб келганлиги боис, бағрикенглик ҳам ноёб қадрият сифатида мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозирда жаҳон миқёсида миллатларнинг ўзлигини англаш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, урф-одат,

анъана ва қадриятларини сақлаб қолиш ҳамда уларни дунё халқлари ўртасида оммалаштиришга қаратилган ҳаракатлар кучаймоқда. Бу жараён қанчалик ижобий бўлмасин, ўз навбатида, турли миллатлар ва халқлар ўртасида ўзлигини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга бўлаётган интилишлар толерантлик (бағрикенглик) туйғуларини тобора такомиллаштириб боришни тақозо этади. Комил инсон шундай инсонки, у аввало дину – диёнатини мустаҳкам тутган, муайян ғоя ва маслакни эътиқод даражасига кўтарган, ўзидаги қусурларни илму – маърифат неъматлари асосида бартараф эта олган кишидир. Бизда қадимдан маърифатли инсон тушунчаси анча кенг маънони англатган. Унутмаслигимиз керакки, маърифат халқимиз, миллатимиз қонидадир.

Анъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик – билим, маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир. Халқимиз билимли, комил инсон деганда айнан шундай одамларни кўз олдига келтиради. Миллий моделимизда комил инсон ғоясига, уни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилганлиги ҳам айна ҳақиқатдир. Хилма – хил ғоялар ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахсларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган куч бу бағрикенгликдир. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ўзининг машҳур “Фозил одамлар шахри” асарида шундай ёзади: “Кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради”. Бундай ҳамжиҳатлик жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолатини таъминлайди. Жалолиддин Румий таълимотида оламдаги барча одамлар: унинг ижтимоий мавқеи, жамиятдаги ўрни, шахс сифатидаги хислатларидан қатъий назар моҳиятан бир тушунча атрофида, яъни, инсон деган ном остида бирлашишлари ва баҳамжиҳат яшашлари лозимлиги ҳақидаги ғояларга кенг ўрин берилган. Ўтмишга назар ташласак, инсоният доим тинч – тотувликка интилиб келганлигига амин бўламиз. Бугунги кунда ҳам тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи барча халқлар, элатлар учун умумбашарий муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Тинчлик ва осойишталик ер юзидаги барча кишиларнинг асосий

мақсадига айланса, бундай ҳамжиҳатлик бутун дунёда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолатини таъминлайди.

Имом Ғаззолийнинг “Ихёу улуми-д-дин” асарида 9 та орифий-тасаввуфий ирфон мақомларда ўзининг тўла, мукаммал, ёрқин ифодасини топган. Аллома илгари сурган “Комил инсон” 9 мақомни босиб ўтган, комиллика эришган юксак, аммо, одатда, ҳатто Ғарбий Европа, Россия тасаввуфшунослиги, ғаззолийшунослигида бу тўққиз мақомлар гўёки куйидан юқорига муттасил давом этувчи такомил даража, босқичлар қабилида тасаввур қилинади, талқин этилади.[3] Гарчи, бу тўққиз мақом Имом Ғаззолийда шу чизиқдагидек берилган бўлсада, тасаввуф илмидан, унинг ўзига хослигидан яхши маълумки, бу йўл фақат вертикал-куйидан юқорига боровчи йўл бўлмай, балки кўндалангига, эн бўйича ҳам, ёки бўлмаса, бутунлай кутилмаган тарзда ҳам олиб қаралиши мумкин. Комилликнинг бу йўли, талқини шундайки, одам чин ихлос билан қандай ҳаёт кечириш, турмуш тарзига дуч келса, уни эътирозсиз, монеликсиз миннатдорчилик, ризолик билан қабул қилиши, бунинг учун шукр қилиши зарур. Имом Ғаззолий берган “Комил инсон” ечими таълимоти тупроқ – сув ва қон лахтагидан пайдо бўлган, яратилган инсон борлиғи-вужуди учун тамомила табиий уйғун, бирдан-бир мумкин бўлган оқилона ечим, энг мақсадга мувофиқ талқин бўлган эди, деб хулоса қилишимиз мумкин.¹ Демак, Ғаззолий комиллик диндан айро эмаслигини кўриш мумкин. Инсоний фазилатлар қадимданок айнан Шарқ халқларига хос хусусият бўлиб, у ҳозирги давргача авлодлар томонидан сақланиб, давом этиб келмоқда. Шарқнинг кўпгина атоқли мутафаккирлари ёзиб қолдирган илмий асарларда ҳам, ўзларининг амалий фаолиятларида ҳам бағрикенглик руҳида иш тутганлар. Мисол учун Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий ижодида бағрикенглик ғоялари юксак роль ўйнаганлигини яққол кўришимиз мумкин. Унинг “Фозил одамлар шахри”, “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола” “Шаҳарни бошқариш”, “Ғазилатли хулқлар”, «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» сингари асарлари ўзининг бой инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари сингдирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир. Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шахри” китобида шундай деб ёзган эди: “Ҳақиқий саодатга эришиш йўлида бир-бирига ёрдамлашиш учун одамларни бирлаштирувчи шаҳар фозиллар шахридир ва

саодатга эришиш учун бир-бирига ёрдамлашиш мақсадида бирлашган кишилар жамияти — фозил жамиятдир. Яқин кишии учун ва барча шаҳарлар яхши фазилатли бўлиши учун ҳеч нарсани аямайдиган халқ, миллат яхши фазилатли халқ, яхши фазилатли миллатдир”. Форобийнинг бой илмий мероси шуниси билан аҳамиятлики, унда барча даврларда барча жамиятлар интиладиган идеал сифатларга: фозиллар жамияти, фозиллар шахри ҳамда фозил инсон тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятларига муҳим аҳамият қаратади. Шу билан биргаликда Форобий идеалликка эришиш йўллари ҳамда назариясини ишлаб чиққан. Идеаллик ҳақида гап борар экан, бағрикенглик унинг ўзагини ташкил этганлигини

таъкидлаб, қуйидаги мисоллар орқали келтириб ўтишимиз мумкин: “Одамларга нисбатан уларни бирлаштириб турувчи ибтидо — инсонийликдир, шу сабабли одамзод инсоният туркумига оид бўлганлиги учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим. Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришиш учун қўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезилади...” Шу сабабли мисол учун зарур бўлган кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи қўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришиши учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради деган фикрларни Фаробий асарларида таъкидлаб ўтади. Форобий “Бахтга етишиш (ёки эришиш)” асарида фалсафанинг баъзи бир жабҳаларини назарда тутган ҳолда шундай дейди: “Фалсафа бизга юнонлар: Платон ва Аристотелдан шундай сифатда келган”. Характерли томони шундаки, Форобий у ёки бу мутафаккирнинг фалсафий қарашларини қандайдир диний қамровда тан олиш масаласини қўймайди, балки кейинчалик ўзи эътиқод қилган ва вояга етган динга тўғри қараш ва ишонтириш зарурлиги, бунда олийжаноблик ҳаракатларини амалга ошириш тарафида туриш кераклигини таъкидлайди.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш лозимки, инсон маънавиятини юксалтирадиган асосий мезонлардан бири аждодлар маънавий меросидир. Мутафаккирларимизнинг бағрикенглик ва инсонпарварлик ҳақидаги қарашлари бизга бугунги кунда маънавиятимизни юксалтиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Буюк аждодларимизнинг бой маданият ва маърифат булоқларидан баҳраманд бўлган халқимиз нафақат миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик балки меҳру-мурувват, оила, фарзанд тарбияси, ота-она ҳурмати ва иззати борасида ҳам ўзига хос кенг феъллик, саховат ва мўътадиллик тамойилларига амал қилиб келмоқда. Мамлакатимиз тарихан қўп миллатли ўлка бўлганлиги туфайли бу заминда турли-туман дин вакиллариининг эмин-эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир инсон, бутун жамият ўзаро муносабатларни халқларнинг турли-туман урф одатлари, маданияти ва қадриятларини тан олган ҳолда бағрикенглик асосига қуриши зарур. Зеро, тинч-тотувлик, бағрикенглик тараққиёт гаровидир. “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”.

Адабиётлар.

1. Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июндаги “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқидан.
2. Комилов Н. Тафаккур қарвонлари.- Т.:Шарқ, 2008 .- Б.182.
3. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шахри”Т; “Янги аср авлоди”, 2016 й. Б.86